

# АДОЛАТ ҲАМИША УСТУВОР ВА БАРҚАРОР

Куч — адолатда



## АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСII ВА ҲУҚУҚII ГАЗЕТАСИ

Газета 1995 йил  
22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил  
29 октябрь

№ 35  
(478)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.  
Сотувда  
эркин нархда

Ўзбекистон  
«Адолат»  
СДПнинг  
бош шiori:

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ!

Ислом КАРИМОВ:

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар муҷассам бўлиши шарт...  
...Агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, аниқ бирор-бир ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин.



30 ОКТАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING III ҚУРУЛТОЙИ ЎЗ ИШНИ БОШЛАЙДИ. ПАРТИЯМИЗНИНГ БУ НУФУЗЛИ АНЖУМАНИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ЭЛ-ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФИДОЙИ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР, ЗИЁЛИЛАР, ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР, МУҲАНДИСЛАР, ШИФОКОРЛАР, КЎЗГА КЎРИНГАН ЙИРИК ИШБИЛАРМОНЛАРДАН ИБОРАТ 170 НАФАР ДЕЛЕГАТ ИШТИРОК ЭТАДИ.

Мустақилликнинг 13 йили мобайнида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг ижтимоий турмуш даражаси ўсди. Иқтисодий ҳаётда изчил тараққиёт кузатишмоқда. Жумладан, кўплаб йирик корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Бирок, бу жуда катта йўлнинг фақатгина бошланиши бўлиб, бу йўлни давом эттириш, қолаверса, бу йўлга ғов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш давримиз талабига айланди. Яқин йиллар ичида жамият олдида:

- мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш;
  - эркин бозор иқтисодидаги асосланган адолатли демократик давлат қуриш;
  - фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни ниҳоясига етказиш;
  - халқнинг турмуш даражасини ошириш каби муҳим вазифалар турибди.
- Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бундай улғу ва хайрли вазифаларни бажариш, тўсиқларни бартараф этиб, муаммоларни ҳал қилишда ўзини бутун мамлакат, халқ, жамият олдида бурчли, масъул деб ҳис этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳасидан.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Наманган ва Фарғона вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияларидаги нукталарида жойлардаги айрим масъул раҳбарларнинг ўз вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан ёндашгани, адолатсизликка йўл қўётганлиги, бу аса олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини тўғондек бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, адолатсизлик — ислохотларимиз душманидир. Қолаверса, ҳар қандай муаммоларни жойлардаги масъул раҳбарлар ҳал қилади. Уларнинг сайёҳаракатлари билан демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёни кечмоқда. Бирок ҳамма ҳам шу оддий ҳақиқатни тўла англаб етмапти. Юртбошимиз бунин алоҳида таъкидлаб жумладан шундай деган эди:

«Шу ўринда катта-кичик барча раҳбарларга айтмоқчиман: аҳолимиз сиз билан бизга шундай мансаб ва мартабаларни, етакчилигини ишониб топишгача экан, аини вақтда бўйнимизга жуда катта масъулиятни ҳам юклаган.

Раҳбарлик лавозими ҳақида, унинг бугунги замонда нақдлар мураккаб ва оғирлиги ҳақида охириги вақтларда жуда кўп гапирляпти.

Лекин, минг таассуфлар бўлсинки, бундан қўпчилики, шу жумладан, юқори мансабларда утирганлар ҳам керакли хулоса чиқариши жойларда сезилмайдми».

Давлатимиз раҳбари доимо адолатли иш юритиб, ноҳақликка, қонунбузарликка ўта мурасасиз бўлмоқда. Мамлакатни одиллик билан бошқараяпти. Бутун эл-юртимиз Президентимизнинг бу борадаги изчил сиёсатини яқдидиллик билан қўлаб-қувватламоқда. Наники узоқ муддатли, ҳатто кундалик сиёсатда Адолатнинг юзага чиқаётганини бутун эл юрт қуриб, билиб турибди, бунга

рофга моликдир. Ана шу ишларнинг сермахсул меваси бўлиш ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда юзага келган биринчи социал-демократик партияга айланган. Унинг сафларидан бүгун 51 минг 108 нафар аъзо бирлашган. Партия ўз номига монанд жамиятимизда адолат тамойилларини ўрнатиш борасида қизгин иш олиб бормоқда. Бу борада партия Сиёсий Кенга-

шнинг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати, академик Тўғрулпўлат Даминов бошлилигида кўплаб амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тадбиқ этилмоқда. Аввало шунин айтиш керакики, Олий Мажлис сессиясида мамлакатимиз Президентининг сиёсий партиялар фаолияти хусусидаги қўнғач фикрларидан барча партия аъзолари тегишли хулоса чиқариб олишди. Сиёсий Кенгаш партия фаолиятида кескин бўрилиш ясияда чораларини кўрди. Сиёсий Кенгаш ўз йўналишларини пухта белгиллаб олди. Бу нималарда қурилади? Мисол учун ҳозир тадбиркор ва мулкдорлар синфининг манфаатларини ҳимоя қилувчи партия фаолият кўрсатмоқда. У шундай тоифадаги кишиларга кўлаб-қувватлашлари умид қилиб парламентдаги

бир сўз билан айтганда барча зиёлилар, жамиятда ҳар бир ўзгаришни тез илғайдиган муносабат билдирадиган, кишилардир.

Айни пайтда партия ҳокимлик ва турли даражадаги вакиллик идораларида ўз вакилларига эга бўлди. Самарқандда, Андижонда, Сурхондарёда шундай ҳолни кузатиш мумкин. «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари — Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари Саъдуллаев, Тайлоқ тумани ҳокими ўринбосари Саттор Суярлов, Жанубий қон бошқармаси бошлиғи Юрий Ақоян, Нарпай туманидаги ширкат ҳужалиғи раиси Нормамат Тошматов, Бекобод шаҳар ҳокими муовини Гулзира Шарипова, Амударё сув ҳавзалари бирлашмаси бошқарувчиси Йўлдош Ху-

мавкенин мустаҳкамламоқчи. Лекин тадбиркор бўлмаган, мулксиз фуқароларнинг манфаатларини қим ҳимоя қилади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси! Унинг электорати ижтимоий соҳанинг барча вакиллари — ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар, маданият муассасалари вакиллари, аёллар, ногиронлар, қариялар, муҳандислар,

дойберганов, Қашқадарёдаги йирик газ қони бошлиғи Абдулла Абдуназаров каби фидойи партия аъзолари, ана шундай вакиллардандир. Улар партия дастуридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз ҳудудларида иқтисодий соҳадаги ислохотларни қўллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорликни ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Партия сафларини аини шундай вакиллар билан мустаҳкамлашни бўлғуси сайловларда албатта ўз самарасини беради.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга шу йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган сайловлар арасида аниқсиз, партия фаолияти қизгин паллага кирди. Ўзининг юқори ва қўли ташкилотлари орасига кенгрок кириб боришга эришди. Партия сафлари сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамланди. Бир сўз билан айтганда, Сиёсий Кенгашнинг сайёҳаракати билан партия Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида ўзининг ўрнига эга бўлди.

Бугунги кунда ўз фаолиятининг масъулиятли дамларини бошдан кечирмоқда. Бўлажақ сайловларда муносиб ўрин олиш учун бутун куч ғайратини ана шу муҳим ишга йўналтиряпти.

Партия Сиёсий Кенгаши томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари сайловларини ҳар томонлама пухта, ушқоқлик билан ўтказиш учун барча амалий чораларни кўрмоқда. Катъий режа асосида ҳафтининг ҳар жума кунлари йиғилишлар ўтказилиб, сайлов билан боғлиқ жараёнларнинг қандай кечаётганлиги атрафлича таҳлил этиб бориляпти. Ишчи гуруҳларининг ҳафта давомида қилган ишлари юзасидан ахборотлари тингланиб, олдидан турган муҳим вазифалар белгиллаб олинапти. Яъни, бу галги сайловларнинг моҳияти, ўзига ҳослиги, афзалликлари фаоллар орқали жойларга етказилишмоқда ҳамда белгиланган топириқларнинг катъий бажарилишига эришиляпти. Шу билан биргаликда Сиёсий Кенгаш томонидан партиянинг эртага бўлиб ўтадиган учинчи Қурултойига ҳам, ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилинди. Партия ҳаётидаги энг нуфузли бу анжуманини ўзига хос тарзда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Қурултойда партия ҳаётига доир барча муҳим масалалар қуриб чиқилади, муҳокама этилади ва унда белгиланган вазифалар партия фаолиятининг муҳим дастуриламаларига айланади.

Адолатнинг йўллари ойдин. У ҳамиша устувор ва барқарордир. Зеро, қонун ва адолат устуворлиғи эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир. Партия бу йўлда собитқадамлик билан иш олиб бораверади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ

Партия Сиёсий Кенгаши томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари сайловларини ҳар томонлама пухта, ушқоқлик билан ўтказиш учун барча амалий чораларни кўрмоқда. Катъий режа асосида ҳафтининг ҳар жума кунлари йиғилишлар ўтказилиб, сайлов билан боғлиқ жараёнларнинг қандай кечаётганлиги атрафлича таҳлил этиб бориляпти. Ишчи гуруҳларининг ҳафта давомида қилган ишлари юзасидан ахборотлари тингланиб, олдидан турган муҳим вазифалар белгиллаб олинапти. Яъни, бу галги сайловларнинг моҳияти, ўзига ҳослиги, афзалликлари фаоллар орқали жойларга етказилишмоқда ҳамда белгиланган топириқларнинг катъий бажарилишига эришиляпти. Шу билан биргаликда Сиёсий Кенгаш томонидан партиянинг эртага бўлиб ўтадиган учинчи Қурултойига ҳам, ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилинди. Партия ҳаётидаги энг нуфузли бу анжуманини ўзига хос тарзда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Қурултойда партия ҳаётига доир барча муҳим масалалар қуриб чиқилади, муҳокама этилади ва унда белгиланган вазифалар партия фаолиятининг муҳим дастуриламаларига айланади.

Адолатнинг йўллари ойдин. У ҳамиша устувор ва барқарордир. Зеро, қонун ва адолат устуворлиғи эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир. Партия бу йўлда собитқадамлик билан иш олиб бораверади.

Сўз — Қурултой делегатларига

## АСОСИЙ ДАСТУРИЛАМАЛИМИЗГА АЙЛАНАДИ

Партияимизнинг бу галги қурултойи мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловлар арасидаги ўтмоқда. Парламентимиз тизимидаги муҳим ўзгаришлар, унга эндиликда фақат партиялар ва фуқароларгина номзодлар кўрсата олиши республикаимизнинг демократик йўлдан дадил қадамлар билан олдинга бораётганлигининг яққол ифодасидир.

Қурултойда партияимиз ўз олдида қўйган стратегик йўл, ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилади ҳамда Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштироки, фаолиги кескин ошиши учун зарур тадбирлар белгиланади. Аммо анжуман бўлажақ сайловларда «Адолат» номзодларини муваффақиятини таъминлаш масаласини биринчи даражали вазифа сифатида муҳокама қилиши шубҳасиздир.

«Адолат» партиясининг Сайловолди дастури лойиҳасига бир қатор ўзгаришлар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш бугунги кунда дунёдаги барча тинчликпарвар давлатларнинг, онгли инсониятнинг муҳим вазифасига айланди. Шу муносабат билан «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди ҳаракат дастурининг «Ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар» бўлимига мазкур масалани киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Партия ўз олдида қўйган муҳим вазифаларни амалга оширилишида унинг мамлакатимиздаги мавжуд жамоат ташкилотлари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият

Комилжон АҲМАДЖОНОВ,  
«Адолат» СДП  
Анджон вилоят  
Кенгашининг иккинчи  
котиби

Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида бўлиб, ҳаётни кўрган, ўзининг иқтидорини ўткир салоҳиятини ўзбек мебелининг бугунги шухратини юксалтиришга қаратиб келаётган “Файз” холдинг компаниясининг раиси, Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоли, партия Сийёсий Кенгаши аъзоси Мукаррамхон Азимова билан дилдан суҳбатлашиб бунга тўла иқдор бўлди. Опиани яқиндан билганларнинг у ҳақдаги фикрлари беихтиёр кўнглимиздан кечди:

— Компаниянинг бугунги ривож бевосита Мукаррамхон Азимова билан боғлиқ. У корхонага ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлганида раҳбар бўлмади. Аёл эса-да бу жамоадаги иқтисодий ночор аҳволдан, ноҳуш кайфиятдан ҳайқилмади. Доимо ўзига, ўз иқтидорига, билимига ишонди. Болаликдан асли зийрак, бир сўзли бўлиб ўсганлиги мактабда ва олий ўқув юртида аёло баҳоларга ўқиганлиги, изланиб ўрганганлиги, ҳаракатчанлиги боис ҳозир у ҳаётдан муносиб ўрнини топган, эл эъзосига мушараф бўлган. Буларсиз замонамизнинг кўзга кўринган илғор аёлига айлана олармиди?..

Бизнингча ҳам шундай: Мутахассисларнинг эътирофи эътиборидек, Россиядан келтирилган хом ашё ресурсларини етishмаслиги туфайли деярли тўхтаб қолган корхонадаги танг аҳволни ўзгартириш учун опанинг кўп иш қилишига тўғри келди. Биринчи галда у корхонани илғор технология билан жиҳозлаш гоёсини илгари сурди. Хориж инвестициясини жалб этиш орқали “Файз” холдинг компаниясини вужудга келтирди ва у мамлакатимиздаги энг йирик қўшма корхоналарнинг бирига айланди.

Бугунги кунда Мукаррамхон опа тадбиркорликнинг биринчи талаби — бу тўғри танланган йўл ва бой режа эканлигини кўп бор такрорлайди. Шунга монанд бошланган ишлар-

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўлкамиздаги табиий манбалардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига асло йўл қўймаслик лозимлигини таъкидлайди.**

**(Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Дастуридан).**

Жонахон диёримиз бўлмиш Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганига ҳам 13 йилдан ошди. Бундан буюн ҳам ҳурриятимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлашимиз, уни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз ўз меҳнат жойимизда интизомни янада мустаҳкамлаб, топирилган ишга ўта масъулият билан ёндошимиз, ҳар соҳада оқилона иш юритишимиз, жонахон юртимизнинг равнаки йўлида, унда истиқомат қилаётган барча халқларнинг тинч-тотув, тўқ-фаровон яшашлари келажақ авлодларимизнинг бахтли-саодатли бўлишлари учун асдойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Бундан ўн беш йил муқаддам тузилган Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги тизимларини айнан мустақиллик ниҳоллари десак асло муболага бўлмайди. Зеро, бугун ана шу ниҳолларнинг мевасидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг етакчи тизимларидан бири бўлмиш Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси меҳнат жамоаси ҳам вилоятимиз ҳудудида мавжуд бўлган экологик муоммоларни собитқадамлик билан ҳал қилишда жабозлик қилиб келмоқда.

Она табиати асраш, унга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш бугунги кунда барчамизнинг виждон бурчимиз бўлиб қолмоқда. Бу беҳиз эмас. Зеро узоқ йиллар давомида биз табиатга бир томонлама муносабатда бўлдик: ундан фақат тортиб олди, аммо келажақ тақдиримизни ўйламадик.

Оқибатда шу табарруқ заманимиз жараҳатланишга олиб келди. Бу билан биз фақат табиатини эмас, балки ўз-ўзимизни жараҳатладик.

Хайрли ишни кечи бўлмайди, дейди доно халқимиз. Оллоҳга шукри, истиклол туфайли неча ўн йиллар давомида қалбимизда армон бўлиб юрган дарду-аламларимиз, шу жумладан, собиқ Марказдаги базис вазирилар ва идораларнинг нотўғри сиёсати туфайли ўлкамизда чала-чулла қурилган саноат корхоналари, тарнспорт ташкилотларининг бугунги кунда табиатимизга, халқимиз ҳаётига етказиб қўйган зарарлари ҳақида очик-ойдин гапирадиган бўлдик. Уларни бартараф этишни ўз қўлимизга олдик.

Маълумки, Тошкент вилояти ўзининг индустриал салоҳияти, агросаноат мажмуасининг хилма-хиллиги билан республикамизнинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради. Унинг умумий майдони 15,6 минг кв километри ташкил этиб, унда 2,5 млн аҳоли яшайди.

Вилоятимизда кўп тармоқли саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш индустрияси ва транспорт тармоқлари юқори даражада ривожланган бўлиб, республикамизда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 20 фоизга яқин миқдори ишлаб чиқарилади. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган энергетика, кимё, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги, металлургия, пахтачи қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати республикамизда етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергия, минерал ўғитлар, қурилиш материалларининг (цемент, шифер) 50 фоиздан ортиқроғи, қора ва рангли металл ҳамда кўмирнинг 90 фоизи вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади.

Қайд этилган корхона, ташкилот, ҳўжаликларнинг барчаси ер ва сув манбаларидан, биоманбалардан, ер ости ва очикдаги фойдали қазилмалардан фойдаланиб кел-



## “ФАЙЗ”НИНГ ФАЙЗЛИ БЕКАСИ

**Бу тарифга замонамизнинг илғор аёли, ўзбек мебелининг маликаси, тиниб тинчимас раҳбар Мукаррамхон Азимова осонликча эришгани йўқ**

нинг ўз самарасини берганлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Германиядан келтирилиб ўрнатилган энг янги, серуном замонавий технология ёрдамида ташкил қилиниши, сифати, дизайни жиҳатидан хорижийликдан қолишмайидиган мебеллар юзага келди ва йилдан-йилга кўпайди. Ички бозоримизда “Файз” мебеллари” деган ўз миллий жиҳозларимиз пайдо бўлди. Халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, эҳтиёжини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор тамойили бўлиб, “Файз”нинг маҳсулотлари ҳам айнан унга мувофиқ тарзда ишлаб чиқаришмоқда.

2001 йилда “Ўзбекмебель” уюшмаси тугатилиб, ундаги корхоналарнинг ҳаммаси ҳукуматимиз қарори билан йирик ишлаб чиқариш саноатида пешқадамлик қилаётган “Файз”

холдинг тасарруфига ўтказилди. Шундан буюн “Файз”нинг файзли бекаси Мукаррамхон Азимова мамлакатимиз мебел саноатининг катта тармоғига бошчилик қилиб келмоқда.

— Қабулхонам ва иш кабинетимда ҳаммаша компаниямиз корхоналарида ишлаб чиқарилган, ўзимизнинг қўли гўл усталаримиз маҳорати ила сайқал топган мебеллар, креслолар, стол ва стулларни қўйдираман, — дейди биз билан суҳбатда “Файз” холдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимова фахру ифтихор ила. — Аввало бу жамоамиз маҳсулотларига, ўз меҳнатимизга бўлган чексиз эҳтиромимнинг ифодасидир. Қолаверса, четдан келган қишлоқ ва меҳмонлар учун ана шу беҳимир аjoyиб жиҳозлар гўё кўргазма вазифасини ҳам

моқдалар. Бу ўз навбатида атмосфера ва сув ҳавзаларининг тозаллиги, ер ва биосфера дунёсининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, бази бир ўсимлик ва ҳайвонлар ноёб турларининг йўқолиб кетишига, минг йиллар давомида она табиат томонидан яратилган табиий муваззатни бузилишга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг қўйдаги сўзларини эслатиб қўйиш мақсадга мувофиқ:

“Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугунги ва эртаси учун муҳим муаммолар жумласига кириди. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан хозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳоли ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тармоқларининг экологик жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантириш таъминлаш имконига эга бўлинадир”.

Республикамиз шу жумладан вилоятимиздаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Республика ҳукумати 2005 йилгача бўлган даврда атроф табиий муҳит муҳофазаси билан боғлиқ миллий дастурни қабул қилди. Мазкур дастурни баҳарий бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан 1999 йил 10 ноябрда қарор қабул қилин-

ди ва ушбу дастурни амалда бажариш юзасидан вилоят ҳокимлиги ва вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси томонидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз ҳудудида экологик хавфсизлигини тугдираётган барча муаммоларга ҳукуматимиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислам Каримов асосий эътиборни қаратмоқда. Чунки табиат, атроф-муҳит тоза бўлсагина жамиятимизда соғлом турмуш тарзи қарор топади.

Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари ўз фаолиятини Республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларда белгиланган тамойилларга риоя қилган ҳолда олиб бормоқда. Экологларимиз саноат корхоналари, қурилиш ва тарнспорт ташкилотлари, қишлоқ ҳўжалиги, муассалар, жамоат уюшмалари билан ҳарорликда ишлашга интиломоқдалар, бу эса ўзининг ижобий самараси бермоқда. Шунинг учун ҳам экологик жиҳатдан жуда таъшишли бўлган қатор ҳудудларда аҳвол бир мунча яхшиланди. Бўстонлиқ, Паркент, Бўқа, Оққўрғон, Қўйи Чирчиқ туманларида экологик аҳвол бошқа ҳудудларга нисбатан анча яхши бўлиб қолади.

Шунга қарамай ҳозирги даврда экологик вазиятнинг чиндан ҳам қалтислигини ҳеч ким инкор этаолмайди. Ким билан суҳбатлашаман дунёда рўй бераётган барча ноҳуш воқеалар экологиянинг издан чиқиб оқибатда юзага келмоқда, дейди. Чиндан ҳам су-вимиш, ҳавомиз ифлосланиб, еримиз заҳарланмоқда унинг аянчи оқибатлари эса инсонлар ҳаётига ўз таъсирини рўй-рўст кўрсатмоқда.

Қўмитамиз ташкил бўлгандан кейинги ўтган 15 йил давомида амалга ошираётган ишларимиз сон ва сифат жиҳатидан яхшиланди. Агар 1989 йилда корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳаво атмосферасига 850 минг тоннага яқин зарарли мод-

ларидаги ҳамкорларимиз, “Асака” банки акциялари-мизнинг эгаларидир.

Ҳозир компания тасарруфидан 30 корхона бўлиб, уларнинг 26 тасида маҳсулот тайёрланади. Мавжуд ўн та қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифати, ташкил қилиниши, дизайни жиҳатидан хорижийликдан қолишмайди. Шу боис уларга талаб катта. Айни пайтда компанияда 30 га яқин турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Ҳар йили бир неча миллиард сўмлик мебеллар ишлаб чиқарилапти ва кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Компания мутахассисларининг айтишларича мебел тайёрлашга 28 хил асосий ва 50 хил ёрдамчи хом ашё воситаси ишлатилади. Умуман олганда, мебелнинг харидорларга етиб бориши учун 100 га яқин хом ашё ва материал зарур бўлади. Ҳозир 30 фоизга яқин асосий маҳсулот тўлиқ маҳаллийлаштирилган. Тўрт йил аввал паралон тайёрлаш йўлга қўйилгани боис ҳар йили шунинг ўзидан бир миллион АҚШ долларини иқтисод қилинмоқда. Чинор, ёнғок дарахтларидан мебелларга миллийлик бериш учун аксессуарлар ишлаб чиқаришмоқда. Бир вақтлар Россиядан олиб келинган капролактан, нитролак, формалин республикамиз корхоналарида тайёрлана-пти ва унинг эвазига 100 минглаб долларлик чет эл валютаси иқтисод қилини-ши билан бирга юзлаб одамлар янги иш жойларида ишламоқдалар.

Бугун “Файз” холдинг компаниясида ишлаб чиқарилган мебелларни кўриб кўнгил яйрайди. Уларнинг ўзимизники эканлиги, ўзимизда тайёрланганлиги қалбларимизга чексиз фахру ифтихор бағишлайди.

Шундай: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмай-миз ҳам. Чунки орамизда Мукаррамхон Азимова каби фидойи замондошларимиз, садошларимиз бор.

**Ҳолда МУҲАМЕДОВА,**  
**Ўзбекистон “Адолат”**  
**СДП аъзоси.**  
**Рустам ДОСТОН,**  
**“Адолат” мухбири**

далар чиқарилган, очик сув ҳавзаларига 300 миллион куб метр ифлосланган сув ташланган бўлса, хозирги кунга келиб, бу кўрсаткичлар қарийб 3 мартаба камайди. Бугунги кунда вилоят атмосфера ҳавосига йилга ўрта ҳисобда 250 минг тоннага яқин зарарли моддалар чиқарилаётган бўлса, очик сув ҳавзаларига эса 75 миллион куб метрга яқин ифлосланган сув оқизилмоқда. Бундан қўриниб турибдики экологик аҳволни яхшилашда қўмита ва унинг жойлардаги тизимлари ҳодимлари томонидан катта ишлар амалга оширилган. Бироқ атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар, очик сув ҳавзаларига ташланаётган ифлос сув миқдори ҳамон юқорилигича қолмоқда. Тўғри йилдан-йилга салбий кўрсаткичлар ҳажмининг камайиш тенденцияси кузатиляпти. Аммо бундан биз экологларнинг кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Мақсадимиз яқин йиллар ичида атмосфера ҳавосига, очик сув ҳавзаларига 1 грамм ҳам зарарли модда ва ифлос сувларни ташланмаслигини таъминлашда. Бу мақсадга албатта эришамиз. Бунинг учун корхона ва ташкилотларни ишлаб чиқаришда чиқиндисиз технологияга ўтказиш, айланма шаклда ишлаётган сув тозаллагич иншоотларини ишга тушириш бизнинг асосий вазифамизга айланади.

Биз вилоят ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва ҳўжалиқларда табиат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар сўзсиз бажарилишини қаттиқ назорат остига олганмиз.

Биргина Олмалик тоғ-металлургия комбинати табиат муҳофазаси объектлари қурилишига ҳар йили 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфламоқда. Бекободдаги Ўзбекистон Металлургия комбинати акциядорлик ишлаб чиқариш Бирлашмасининг электр ёрдамида пўлат эритиш цехида йилга 800 минг тонна пўлат эритадиган ДСП-100 русумли янги печ ишга туширилди. Янги цехнинг ишга туширилиши эски ишлаб турган 3 та печнинг иш қилидан чиқарилишига ва ҳаво атмосферасига чиқарилидиган зарарли моддалар миқдорининг тубдан камайишига олиб келди. “Оҳангаронцемент”, “Оҳангароншифер”, корхоналарида ҳам табиат муҳофазаси билан боғлиқ қурилишларга маълум даражада маблағ ажратиб, ўзлаштирилмоқда. Шунга қарамайдан Оҳангарон водий-сида экологик масалада ижобий ўзгаришлар сезилма-япти. Зарарли моддаларнинг баъзи бир ингридиенти бўйича метёрдан ортиқ зарарли моддаларни чиқариш ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Вилоятимиздаги яна бир долзарб масалалардан бири бу — Тошкент шаҳрининг Оҳангарон туманидаги ахлатхонасидир. Ушбу ахлатхонада ёнаётган ва чирган чиқиндилларнинг заҳарли ҳиди ўнлаб километр масофага қўзилиб, Бектмирдан-Олмаликка, Краснотуркестан-Тўйтапачага тарқалади. Шу билан бир қаторда ахлатхона вилоят атмосфера ҳавоси-ни ва сув заҳираларини заҳарланишига олиб келмоқда.

Яна бир муҳим муаммолардан бири бу — фосфогипс муаммосидир. Узоқ йиллар давомида “Аммофос” ишлаб чиқариш Бирлашмаси технологик жараёнида бир неча миллион тонна аммофос чиқиндилари-фосфогипс йиғилиб қолган бўлиб, юзлаб гектар ҳосилдор ер майдонини эгаллаб ётибди ва атроф-муҳитга ўзининг салбий таъси-рини кўрсатмоқда. Бундай чиқиндилардан халқ ҳўжалиги-

# ВАТАН ТАҚДИРИГА ЖАВОБГАРЛИК

**НОМЗОДЛАРНИНГ ҲАЛОЛ, ОШКОРА ВА ЎЗАРО ҲУРМАТ  
МУҲИТИДА КЕЧАДИГАН РАҚОБАТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ  
ЎРНИНИ ЭГАЛЛАМОҒИ ЛОЗИМ**

Сайловларда ҳал қилувчи кун етиб келиши учун икки ойга яқин вақт қолди. Бу муддат партия ташкилотлари ва уларнинг номзодлари партиянинг сайловолди дастури билан халқ орасига янада чуқурроқ кириб боришга, кўпроқ тарафдорлар орттиришга ундаётгани сир эмас. Кимнинг нимага қодир эканлиги, дастурий таклиф ва гоёлари реал имкониятларга асослангани ҳозирданоқ кўзга ташланиб туриши керак. Номзодлар учун сўнги сўзни эса сайловчилар айтишади.

Асосан олганда сайловларда овоз олиш учун кураш “Адолат” социал-демократик партияси Самарқанд вилоят ташкилотидан анча эрта бошланган эди. Маҳаллаларда, мактабларда, корхона ташкилотларда 600 дан зиёд бошлан-иш партия ташкилоти тузилгани ва улар омма ўртасида мунтазам тарғибот-таш-виқот ишларини олиб боришгани, партия фаоллари орасидан муносиб номзодлар кўз остига олиниб улар билан яккама-якка суҳбатлар, иқтисодий, сиёсий ўқувлар ўтказилгани, ҳудудий муаммолар биргаликда чуқур ўрганиб боришгани фикримизнинг далилидир.

Шу боис “Адолат” СДП Самарқанд вилоят ташкилотининг сайловолди III-конференцияси ўзаро ҳамжиҳатлик ишонч ва гоёвий бирдамлик руҳида ўтди десак сира янглишмаймиз.

Анжуманда дастлаб вилоят партия ташкилотидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар муҳокама этилди. Шу масала юзасидан эса “Адолат” СДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков сўзга чиқиб ҳар бир номзодни конференция иштирокчиларига таништириб ўтди. Аввалги сайловлар натижасидан тегишли ҳуло-са чиқариб, бу гал вилоятдаги 60 та сайлов округи бўйича энг муносиб ном-зодлар рўйхати биринчилар қаторида сайлов комиссиясига тақдим этилаёт-ганини мамнуният билан таъкидлашди.

Сўнгра конференция иштирокчилари

“Адолат” социал-демократик партияси Самарқанд вилоят ташкилотининг сайловолди дастурини муҳокама қилди. Партия вилоят кенгашининг иккинчи котиби Хайдар Исмолов кун тартибидидаги ана шу муҳим масала юзасидан маъруза қилди. Таъкидлаш лозимки, вилоят партия ташкилотининг сайловолди дастури ҳудудий муаммоларни кенг қамраб олганли-ги, илҳам ва лўнда тарзда баён этилгани ҳамда аниқ мақсадларга йўналтирилган-лиги билан анжуман иштирокчиларининг эътиборини қозонди. Демак, таклиф эти-лаётган гоёлар билан ҳаракатлар ўртаси-да мутаносиблик бор. Сайловчиларга ор-тиқча ваъдалар берилмаган.

Сайловолди дастури ва номзодлар му-ҳокамаси бўйича музокараларда деле-гатлардан — Ўзбекистон халқ артисти Таънаберди Қурбонов, Самарқанд Дав-лат тиббиёт институти кафедра мудир, профессор Таҳсин Мусаев, Нарпай ту-манидаги Ойбек номли ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Норматом Тошматов, “Адолат” СДП Самарқанд шаҳар Кенга-шининг биринчи котиби Мамаюсуф Са-лимов, партиянинг Самарқанд туман Кен-гаши биринчи котиби Мусаввара Жума-ева, Тайлоқ туман Кенгаши биринчи ко-тиби Соли Ражабов, Пастдарғом туман Кенгаши биринчи котиби Зокир Яхшиев ва бошқалар сўзга чиқишиб ўз фикр-му-лоҳазаларини баён этдилар. Хусусан партиянинг Сайловолди дастуридан ке-либ чиққан ҳолда депутатликка кўрсати-лган ҳар бир номзод ўз қарашларини ифо-да этувчи сайловолди дастурига эга бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Конференцияда “Адолат” СДП вило-ят Кенгашидан халқ депутатлари вило-ят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатилди ва вилоят партия ташкило-тининг сайловолди дастури бир овоз-дан маъқулланди. Анжуманда шунинг-дек партиянинг Тошкентда бўлиб ўта-диган III Курултойига делегатларнинг яқддил иштирокини таъминлаш, ягона сиёсий палатформани вужудга келти-риш зарурлиги таъкидланди.

**Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,**  
**“Адолат” мухбири**



да фойдаланиш учун жуда кўп мутахассис олимлар илмий изланишлар олиб боришди. Хатто “Аммофос”нинг 2та собиқ директо-ри фан доктори деган ун-вонга сазовор бўлишди. Аммо вазият ўзгаргани йўқ, у қандай бўлса, шун-дайлигича қолмоқда.

Вилоятимизнинг асосий сув манбалари бўлган Сирдарё, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари, сув ом-борлардаги оби-ҳаётнинг тозалик даражаси доимий назорат остига олинган. Бундан ташқари бешта ер ости чуқук сув ҳавзалари ҳам назоратга олинган бўлиб, уларнинг заҳираларидан халқ ҳўжалиги ва аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Чир-чиқ, Оҳангарон ҳавзаларининг Қирғай ва Ўртачирчиқ уча-сткаларига алоҳида қўриқланидиган объект мақоми бе-рилган.

Шуни маъмуният билан таъкидлаш керакки, бугунги кунда жойларда Кенгашлар ва уларнинг ижро этувчи идо-ралари экология масалаларига эътиборни қўйишмоқда-лар. Улар табиати муҳофазаси қилиш масалаларини кен-гайтирилган мажлисларда, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилмоқдалар, бу борадаги иш-лар самарадорлигини ошириш учун амалий ишлар олиб бормоқдалар. Биз экология масалаларига бағишлаб ил-мий-амалий конференциялар ташкил этмоқдамиз. Уларда ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш учун тарғи-бот ишларини қўйишмоқдамиз. Ҳодимларимиз меҳ-нат жамоаларида, маҳалла аҳолиси ҳузурида, шунингдек, мактабларда, ўрта махсус билимгоҳларда қизқарли суҳ-батлар, савол-жавоб кечалари ўтказишаётир. Вилоят кино театрларида ва концерт залларида киносеанслар бошла-ниш олдидан экологик мавзудаги илмий-оммабоп филь-мларни намойиш қилиш йўлга қўйилди. Айниқса, халқ маорифи ҳодимлари, мактаб ўқувчилари билан ҳамкор-лик яхши натижа бермоқда.

Ҳодимларимиз маҳаллий, вилоят ва республика омма-вий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали экологик мавзуда турли чиқишлар қилмоқдалар.

Аммо, қилаётган ишларимиздан кўнглимиз тўлаёт-гани йўқ. Хали фаолиятимизда камчиликлар бор. Эко-логик тарғибот талаб даражасида бўлмапти. Бунинг оқибатида табиатга билиб-билмай зарар етказиш да-вом этмоқда. Кўп ҳолларда меҳнаткашларда, айниқса ёшларда табиати севиш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ардоқлаш фазилатлари етишмапти. Шу бо-исдан ҳам бу соҳадаги фаолиятимизни янада жонлан-тиришимиз, мавжуд имкониятлардан кенг фойдалани-шимиз лозим. Токи, табиатга жиддий зарар келтира-ётган корхона, ташкилот ва ҳўжаликларнинг раҳбарла-ри Она табиат, қолаверса, унинг бағрида яшаётган инсонлар келажақ авлодлар олдидаги масъулиятлари-ни, қарздорлик ҳиссини чуқур сезсинлар. Бизнинг бу ишимизда сеvimли газетамиз “Адолат” газетасининг мададига таянамиз. Чунки, кейинги пайтларда газета-нинг ўқувчилари орасида обрўси ортиб, унинг диапо-зони тобора кенгайиб бормоқда.

**Тургун ИРГАШЕВ,**  
**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши аъзоси, Тошкент вилоят Партия Кенгашининг биринчи котиби, вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси раиси, техника фанлари доктори.**

**2000 йил**

**ЯНВАРЬ.** Сиёсий партиялардан сайланган Олий Мажлис депутатларининг ilk йигилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисни депутатлик фракцияларини тузиш ва уларнинг раҳбарларини сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ун кишидан иборат "Адолат" социал-демократик партияси фракциясига депутат Турғунпўлат Даминов раҳбар этиб сайланди.

**ФЕВРАЛЬ.** Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг 5 йиллигини нишонлади.

Унда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, партия Кенгашларининг етакчилари Ўзбекистоннинг ютуқларини бойитиш, унинг халқларо обрўсини янада ошириш борасида яқдиллик билан астойдил ишламоқликни олдиларига мақсад қилиб қўйди.

**МАРТ.** Тошкентда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари "Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг навбатдаги вазифалари тўғрисида"ги масалани кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов **"Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — провард мақсади-миз"** мавзусида маъруза қилиб, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини ва қарашлар ранг-баранглигини, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш, одамлар онгда демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш масалаларини ҳал этиш нафақат давлат тузилмаларининг, балки "Адолат" СДПнинг ҳам асосий вазифаси эканлигини эътироф этди.

**МАЙ.** "Адолат" СДПнинг Фаргона, Андижон, Тошкент вилояти партия Кенгашлари ўз йигилишларида партиянинг II пленумида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилашди.

**ИЮНЬ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Котибиятининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Тошкент вилоят партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, "Адолат" газетаси ходимлари иштирок этдилар.

Йигилишда Олий Мажлисининг биринчи ва иккинчи сессияларида Президент Исом Каримовнинг маърузалари юзасидан "Адолат" СДПнинг олдида турган вазифаларини қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўртабосимизнинг миллий мафқура ва миллий ғоя бўйича "Фидокор" газетаси мухбири саволларига берган жавоблари ҳам ўрганиб чиқилди ва партиянинг амалга оширадиган иш режалари белгилаб олинди.

**АВГУСТ.** "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

Йигилишда Марказий аппарат ходимлари, Сиёсий Кенгаш котиблари, вилоят, туман партия ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Мазкур йигилишда партия Сиёсий Кенгашининг III Пленумидаги қарорлар ижроси таҳлил қилиниб, жойларда партия фаоллари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ижобий самара бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ва келгусида қилинадиган ишлар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**СЕНТЯБРЬ.** "Адолат" СДП Самарқанд вилоят партия Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленум кун тартибига "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг III сессиясида сўзлаган нутқи ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққиётпарвар жамоатчилигига муножаатномаси тўғрисида"ги масала киритилди.

**ОКТАБРЬ.** Тошкентда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Уни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Т.Даминов бошқарди.

Пленум кун тартибидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муножаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 128-Гулистон ва 174-Бешарик сарайов округларида бўшаб қолган ўринларга "Адолат" СДПдан номзодлар кўрсатиш тўғрисида"ги масалалари пленум қатнашчилари томонидан қизгин муҳокама этилди ва пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**2001 йил**

**ФЕВРАЛЬ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП ва "Адолат" газетасининг 6 йиллиги нишонланди.

Унда "Адолат" социал-демократик партиясининг йиллик фаолияти, унинг изчиллик билан мамлакатимиз аҳолисининг ишончига кириб бораётганлиги, келажақда партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари ва фаоллари фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Шунингдек, партиянинг бош наشري бўлган "Адолат" газетасининг олти йиллик фаолиятига ҳам назар солинди. Газетанинг партия ҳаётини изчил ёритиш билан биргаликда, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ислохотларни мунтазам таъриб этиб келаётганлиги алоҳида айтиб ўтилиб, газета саҳифаларида ёритилаётган қўллаб мақолалар эл оғзига тушаётганлиги эътироф этилди.

**ИЮНЬ.** Тошкентда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Сиёсий Кенгаш котиблари ва унинг аъзолари, Олий Мажлисдаги партия фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг партия Кенгашлари биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этдилар.

Пленуми "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати академик Турғунпўлат Даминов очди ва "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига белгиланган тадбирлар жойларда қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида" Ёшлар Кенгаши раиси Н.Нурматов эса "Ёшлар Ватан равақли юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини оширишдек мақсадлар руҳини тарбиялаш борасида партиянинг вазифалари" хусусида маъруза қилди.

Пленумда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**2002 йил**

**НОВАБРЬ.** Тошкентда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг VIII Пленуми бўлиб ўтди. Уни партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов очиб, йигилишларга кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ахборот берди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаш аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи, иккинчи котиблари иштирок этдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўқинчи сессияси қўрилган ва мамлакатимизнинг бу улкан анжуманида қайси қандайдиган раҳбарлари ҳақида алоҳида таъкидлаб, партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар йиғилганларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, Сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг роли, хусусан, бунда партиянинг бош наشري "Адолат" газетасининг фаолияти ва келгуси йил обрўсини яқинлаш борасида ҳам сўз юритилди ва бунда партиянинг амалий ёрдами кўчаитириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Пленумда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ДЕКАБРЬ.** Самарқандда "Адолат" СДП вилоят Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Республика Олий Мажлиси тўқинчи сессиясида Президент Исом Каримовнинг "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги маърузаси ҳамда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг XIII пленуми қарори юзасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

**2003 йил**

**МАРТ.** Парламент сайловларига ҳар томонлама тайёргарлик қўриш ва етук номзодларни танлаш жараёни юзасидан "Адолат" СДПнинг Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

"Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашида фирма аъзоллигига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ишчи,

зиёли ва талабалардан иборат 31 нафар номзодларга партия билетлари топширилди.

**АПРЕЛЬ.** "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган йигилиши бўлди.

Йигилишда "Адолат" СДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг парламентнинг бўлажак сессиясига қўраётган тайёргарлиги ва партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги пленумини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

**МАЙ.** "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда вилоят Кенгашининг навбатдаги вазифалари билан биргаликда ташкилий масалалар кўриб чиқилиб, Кенгашининг янги таркиби сайланди.

**ИЮНЬ.** Вилоятларда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) лойиҳасига доир йигилишлар бўлиб ўтди. Хусусан, "Адолат" СДПнинг Андижон вилоят Кенгаши, Бухоро вилоят Кенгаши ва Самарқанд вилоят Кенгашларида ва унинг бошланғич ташкилотларида бу муҳим ҳужжат ўрганилиб, зарур тақлифлар билдирилди.

**АВГУСТ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг парламентдаги депутатлар фракцияси аъзолари билан партия фаоллари иштирокида кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

Унда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар батафсил муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси йигилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муносабати билан депутатлар фракциясининг навбатдаги вазифалари муҳокамасига доир қарорлар қабул қилинди.

**СЕНТЯБРЬ.** "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи пленумини ўтказди. Унда Кенгаш аъзолари ва фаоллари "Адолат" СДП Тошкент шаҳар партия ташкилотининг асосий вазифаларига тўхталиб, партиянинг жамиятда тутган ўрни ва роли, сафларни мустаҳкамлаш, сайловларга пухта тайёргарлик қўриш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**НОВАБРЬ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

Йигилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар иштирокчиларнинг қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Олий Мажлис қарорига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларда партия ташкилотлари ишчи фаолаштириш муҳим вазифа эканлиги қайд этиб ўтилди.

# ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДПНИНГ ИККИ ҚУРУЛТОЙ ОРАЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТ СОЛНОМАСИ

**АПРЕЛЬ.** "Адолат" СДП Бухоро вилоят Кенгашининг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида террорчиларнинг жинояткорона ҳаракатлари билан рўй бераган муҳим ҳолати ҳақида қаттиқ қоралаб, бунда ҳамма-ни, шунингдек, партия аъзоларини жипсликка ва бирдамликка қақирувчи кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖУИ) таъаббуси билан **"Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг 2004 йил сайлов кампаниясидаги тактикаси"** мавзусида Тошкентда семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сиёсий Кенгаши аъзолари қатнашдилар. Семинар-тренингда Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарларининг ҳозирги фаолиятлари хусусида сўз юритилиб, мазкур тадбирнинг бўлажак сайловлар олдида ҳар бир партия ҳаётида алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидлаб ўтилди.

Янги парламентга бўладиган 2004 йил сайлов кампаниясининг хусусиятлари ҳақида тренинг қатнашчиларининг маъруза ва мулоҳазалари тингланди.

"Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳомилигида "Меҳр-мурувват йили"га бағишлаб Тошкент вилоятининг болалар касалликлари бўйича Реабилитация марказида маданий тадбир ўтказилди.

"Адолат" СДП Юнусобод тумани Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Унда Кенгаш аъзолари Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида бўлиб ўтган қўрувчилик ҳаракатларининг халқимиз бошига қатта таъсиш солгани, беғунох одамларнинг тинчлигимиз қушаданлари, террорчилардан жабр кўрганлиги ҳақида сўз юритилиб, бу илатни тағ-томлари билан йўқ қилиш учун ҳамма жипслашиб иш олиб боришга ҳамда ҳар доим ҳушёр ва огоҳ яшашга даъват этдилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси аъзоларининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз парламентининг XIV сессияси кун тартибига киритилган масалалар ва қабул қилиниши мўлжалланган қўрувчилик юзасидан фракциянинг умумий ёндашувлари тўғрисида партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, фракция раҳбари, академик Турғунпўлат Даминов ахборот берди.

**МАЙ.** Тошкентда "Сайлов кампаниясида аёллар омили" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. У Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг **"Парламентаризм ва сайлов тизими муаммолари"** лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Давра суҳбатида мамлакатимиздаги таъкид етакчи аёллар, Олий Мажлис депутатлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси, Халқ демократик партияси, "Фидокорлар"

миллий демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партиясининг "Аёллар қаноти" вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмухамедова нутқ сўзлади.

\*\*\*

"Адолат" СДПнинг Сиёсий Кенгашида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз Исом Каримовнинг сўзлаган нутқи ва партиянинг сайловолди тадбирларига қаратилди.

\*\*\*

Тошкент шаҳар "Оила" марказида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Халқор "Ибн Сино" жамғармаси билан биргаликда "Меҳр ва мурувват йили"га бағишланган тадбир ўтказди. Унда Шукур Бурхоннов номидаги маҳаллада истикомат қилувчи 100 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Мажлис якунида партия ва жамғарма ўртасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Шунингдек, тадбирга тақлиф қилган аёллар камқонликка қарши умумий қиймати 9,5 минг евро бўлган "Верифон" дориси тарқатилди.

\*\*\*

Фаргона вилоят Кенгашининг "Меҳр-мурувват йили"га бағишланган тадбири ўтказилди. Тадбирда вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Т.Мирзашарипов сўзга чиқиб, партиянинг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Сўнгра у вилоят Ногиронлар жамияти раиси Р.Шокиров билан биргаликда 21 нафар ногиронга озиқ-овқат пакетлари (партия томонидан тортиқ этилган ҳам 1 тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари)ни улашиб қилди.

"Адолат" СДП Урганч туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев бошқарди ва "Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят ташкилотининг навбатдаги вазифалари" мавзусида маъруза қилди.

Хисобот-сайлов конференциясида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов иштирок этди ва олдинда турган вазифалар юзасидан сўзга чиқди.

\*\*\*

Тошкент шаҳар "Оила" марказида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Халқор "Ибн Сино" жамғармаси билан биргаликда "Меҳр ва мурувват йили"га бағишланган тадбир ўтказди. Унда Шукур Бурхоннов номидаги маҳаллада истикомат қилувчи 100 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

Мажлис якунида партия ва жамғарма ўртасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Шунингдек, тадбирга тақлиф қилган аёллар камқонликка қарши умумий қиймати 9,5 минг евро бўлган "Верифон" дориси тарқатилди.

\*\*\*

Фаргона вилоят Кенгашининг "Меҳр-мурувват йили"га бағишланган тадбири ўтказилди. Тадбирда вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Т.Мирзашарипов сўзга чиқиб, партиянинг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Сўнгра у вилоят Ногиронлар жамияти раиси Р.Шокиров билан биргаликда 21 нафар ногиронга озиқ-овқат пакетлари (партия томонидан тортиқ этилган ҳам 1 тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари)ни улашиб қилди.

"Адолат" СДП Урганч туман ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда туман партия Кенгаши котибларининг ҳисоботи эшитилди, туман партия Кенгашининг янги таркиби тузилиб ва вилоят партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

\*\*\*

Республика эстрада-цирк коллежида "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши котибларининг коллеж талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги Президент Исом Каримовнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг котиби, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмухамедованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимизнинг **"Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буюклимас иродасига боғлиқ"** мавзусидаги нутқи қаратилди.

Ўртабосимизнинг нутқларидан келиб чиққан ҳолда XXI асрнинг энг муҳим қўрунмаларидан бири бўлган терроризмга қарши баҳамжидат курашишимиз муҳимлиги ҳақида фикрлар тадбир иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

"Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Партия фаоллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси якунларини атрофчида муҳокама этишди, унда қўрилган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Музоқарада сўзга чиққан партия фаоллари янги парламентга бўлажак сайловлар арафасида сиёсий фаолиятини қучайтириш, депутатликка муносиб номзодларни кўрсатиш ҳамда сайловларга тайёргарлик ишларини пухта уюштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.


**ИЮНЬ.** "Адолат" СДП таъаббуси билан Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманида Халқор болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ўтказилган тантананда "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депутати, "Фармеда" хусусий фирма раҳбари Дилором Тошмухамедованинг ҳомилигида 200 нафардан зиёд ҳам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, етим-есир болаларга совға-саломлар улашилди.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани "Себзор" гузарига ҳам "Карима" хусусий фирмаси раҳбари Хайрулла Мўминов кичкинтойларга совғалар берди.

\*\*\*

"Адолат" социал-демократик партияси Тошкент туман Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда "Адолат" СДП Тошкент вилоят Кенгашининг барча бўғинларидаги ҳисобот-сайловлар мажлислари ва



конференциялари тўғрисида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, вилоят партия Кенгашининг икки палатали парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга уюшқоқлик билан тайёргарлик қўриш юзасидан мулоҳазалар билдирилиб, қилинадиган ишлар белгиланиб олинди.

"Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг мажлислар заллида шаҳар партия Кенгашларининг биринчи котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда сайловларга тайёргарлик қўриш ва номзод кўрсатиш билан боғлиқ масалалар атрофчида муҳокама этилди.

Хар бир номзод партиявий талабларга қараб танлаб олиниши ва у ўз ҳудудининг долзарб муаммоларидан хабардор бўлиши зарурлиги ўқтирилди.

"Адолат" СДП Сирдарё вилоят Кенгаши "Сирдарётранс" бирлашмаси билан биргаликда Мирзаобод туман Болалар уйида "Меҳр-мурувват" йиллига бағишлаб хайрли тадбир ўтказди. Тадбирда Болалар уйига моддий ёрдам кўрсатилиб, болаларга кийим-кечаклар ва совғалар улашилди.

"Адолат" СДП Сирдарё вилоят Кенгаши Боёвут туманидаги 150-автожамланмада **"Сиз Қонун ва Конституциясини биласизми?"** мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Баҳодир Турсунқулов бошчилигида ўтказилган бу тадбирда партия аъзолари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди.

"Адолат" СДП Бухоро вилоят ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Уни вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Раҳматилло Аҳмедов бошқарди ва унинг "Вилоят партия Кенгашида олиб бориладиган ишлар, келгуси режалар" мавзусидаги маърузаси тингланди.

Унда Республика Олий Мажлисига халқ депутатлари вилоят, туман шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларда "Адолат" СДП мазкур сиёсий рақобат майдонига ўз ўрни, макеига эга бўлиши учун, аввало бошланғич партия ташкилотлари масъул раҳбарлари бевосита халқ билан очик мулоқотда бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

"Адолат" СДП Тошкент вилоят партия Кенгашининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев бошқарди ва "Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят ташкилотининг навбатдаги вазифалари" мавзусида маъруза қилди.

Хисобот-сайлов конференциясида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов иштирок этди ва олдинда турган вазифалар юзасидан сўзга чиқди.

**ИЮЛЬ.** "Адолат" СДП Бухоро вилоят, Жондор туман Кенгашларининг иштиловларида "Адолат" СДПнинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳамда бўлажак сайловларда партия танлаган номзодларнинг ўз ўрнига эга бўлиши, ушбу сайловларга пухта тайёргарлик қўриш тўғрисида айтиб ўтилди.

"Адолат" СДП Тошкент шаҳар партия ташкилотининг III ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда шаҳар партия ташкилотининг фаолиятини таҳлил этишга, уларнинг иш натижаларини кўриб чиқишга, қолгиларга, фаолияти ва сиёсий етуқлигини баҳолашга ҳамда шў ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирга айланди.

**АВГУСТ.** Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибековнинг ҳисобот маърузаси тингланди.

Маъруза анжуман қатнашчилари томонидан атрофчида муҳокама этилиб, галдаги қилинадиган ишлар юзасидан вазифалар белгиллаб олинди.

Пленумда иштирок этган "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов "Адолат" СДП чинакам ҳокимият партиясига айланиши учун партия нафақат Парламентда, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам кўпроқ овоз олиши лозимлигини ўқитди.

**СЕНТЯБРЬ.** "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши қароргоҳида Пар

# Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси чинакам халқ иши, Ватан равнақига бел боғлаган сиёсий кучдир!

Партиядошларимиз ижодидан

## ВАТАНГА САДОҚАТ

Азиз ёшлар, келинлар, суҳбатга мархабо айланг, Дилтортар сўз ила ҳаммани маҳлиё айланг, Она юрта садоқатни юракка жо-баҳо айланг, Кўзингизга ҳар қарич тупроғини тўтиб айланг, Ҳисобсиз бойлигу неъматларини меҳригиде айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Киндик қонимиз тўқилган муқаддас даргоҳ Ватандир, Қалбга иймон, шуур берган боқий саждаҳо Ватандир, Болаликдан то умрбод бешик, бошпаноҳ Ватандир, Табаррук, жаннатмакон жой, алхамдулиллоҳ, Ватандир, Севиб, асраб-авайлашни куну тун муддао айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Ватан севмоқ баландпарвоз, қуруқ сўзлар билан бўлмас, Меҳр-шафқат-ла ўсган гул маъво босида ҳеч сўлмас, Ватанга сидқидил хизматда бўлганлар сира ўлмас, Ҳақиқий, чин ватанпарвар одат асло унутилмас, Амалий иш билан, дўстлар, Ватанга бурч адо айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Ватан озодлигини истаб курашган қанча инсонлар, Адолатга чорлаб ўтган Темурбек соҳибқиронлар, Эрк йўлида дарё-дарё бўлиб оққан қўллар, Шайхид кетган Усмон Носир, Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар, Уларнинг хотирини эслаб, руҳи покни ризо айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Шукрларким, қуёш энди Аллоҳ меҳри билан порлар, Юртбошимиз буюк давлат бўстониға бизни чорлар, Тўсиқ бўлмас галамис, ватанфуруш, нобокдорлар, Огоҳ бўлиб диёримиз қўриқлагай мард, шўнқорлар, Мустақиллик ҳаёда қилган хурриятни ҳумо айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Ватаннинг доғруғи, шашти кенг жаҳонга исботланди, Оташнинг гайратингизни қўриб, эл кўнгли шодланди, Худди сиз навқиронлардек кексалар ҳам қанотлар, Ижодий хисса қўшмоққа Исомиддин ҳам отланди, Жонажон Ўзбекистонга оламни маҳлиё айланг, Керак бўлса шу Ватанга жонни ҳам фидо айланг.

Исомиддин ЖУМАЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

## ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ

Хижронга илк бора айтмадим дашном,  
Ишқининг соғинчи ҳам ўртамас бундай.  
Жаннат деб, кўп юртлар олсаларда ном,  
У ерда ўзимни сездим тугтундай.

Нархи баҳоланган иззат, эътибор,  
Қўтариб юрмоққа хизматкор махтал.  
Бир юзда тобеллик, бир юзда кибор,  
Ташқаридан боққанда жаннат юрт, матал.

Хар нарса мухайё, жон, мол сотувда,  
Оила йўқ, барча бир, дусту-дугона.  
Ойлардан боққанда ҳамма тотувда,  
Аслида отаю она бегона.

Нимадир изладим сероблик ичра,  
Сезардим, нелардир дилга ёқмаган.  
Жонсиз нигоҳларим, хиссиз моҳечра,  
Бу кўзлар юлдузга, ойга боқмаган.

Шовқин кўчалардан юзим бурдимда,  
Бир катра меҳр излаб атрофини кездим.  
Ва шунда меҳрга Ватан — юртимда  
Инсон қадри улғў эканин сездим.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ

Халқни ёлғон ваъдалар билан алдаш, популистик ғоялар билан чиқиш биз учун бутунлай ётдир. Аксинча, биз бошқарув ва ислохотларнинг европалик социал-демократлар тажрибасида синалган илғор технологияларига таянамиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳасидан.

“Адолат” газетаси йил сайин одамлар қалбидан чуқур жой олмакда. Газета саҳифаларида турмушимизнинг ҳамма соҳалари изчил ёритиб борилапти. Бу юртимизда адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Газета келаси йили ҳам кўпчилик нашрийларнинг сеvimли мушаррифига айланади. Унда Сиз азиз газетхонлар ўзингизни қизиқтирган кўплас масалаларга жавоб олиб, ранг-баранг мавзулардаги бир-бирдан қизиқарли мақолалар, очерк ва фелетонлар, памфлетлар билан танишасиз. Sevimли газетангиз порахўрликка, таъмагирликка, мансабпарастларга, ўз вазифасини суниестеъмол қилувчиларга, таниш-билишчиликка ва эл ризига чанг солган, кибру хавою, айш-ишратга берилганларга қарши адолат шамшири билан дадил курашаверади.

Азиз мушаррийлар!  
“Адолат” газетасига обуна давом этмоқда. Келгуси йилда ҳам уни қўлдан қўймай ўқий десангиз — “Адолат”га обуна бўлинг!  
Нашр кўрсаткичи — 100.  
“Адолат” хамиша ҳамроҳингиз бўлсин!  
Уни ўқиб қалбингиз нурларга тўлсин!

«Обуна — 2005»

## “АДОЛАТ”

ҲАМРОҲИНГИЗ БУЛСИН!



Яна бир гап: газета тахририяти ўз вилоятида “Адолат” газетасига 1000 дона обунани ташкил этган ташкилотчи ёки вилоят партия Кенгаши раисини раисига телевизор билан сийлайди. Имкониятни бой берманг! Омаднингизни синаб кўринг! Мукофот, албатта, сизни қўллади.

## ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

ПАРТИЯНИНГ БАРЧА АЪЗОЛАРИНИ, ФАОЛЛАРИНИ ВА ХАЙРИХОҲЛАРИНИ “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ III ҚУРУЛТОЙИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙДИ.  
БУ НУФУЗЛИ АНЖУМАНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР ПАРТИЯНИНГ ЎЗ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА МУҲИМ БОСҚИЧ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

ҚУРУЛТОЙ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА САЙЛОВЛАРДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШИДА ОМАДЛАР ТИЛАЙДИ.

## “МЕН НЕГА “АДОЛАТ”НИ ТАНЛАДИМ?”

Хар қандай фуқаро ўз қарашларига, орзу-умидларига ҳамоҳанг партияга аъзо бўлишни истамайди. Бунга мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилиги ҳамда конституциямиз кенг ҳуқуқий йўл очиб берди. Таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон фуқароси дунёдаги тараққий топган давлатлар фуқароси сингари ҳамма ҳуқуқий муносабатларда эркиндир.

Бу ҳол адолатли жамиятни шакллантиришда муҳим мезон. Инчунин, “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси келганда айна шу мақсадни, яъни, мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий ислохотларнинг ўзаро тенглик асосида адолатли, барқарор йўлдан олишмаслигига ўз ҳиссасини қўйишни ўзининг юксак бурчи деб билган эди.

Утган йиллар таърибаси мазкур муддаонинг бағоят тўғри танланганини кўрсатиб турибди. Шахсан мен шу партиянинг жойлардаги фаолларидан бири сифатида фаолият юритаётганимдан гурулланаман. Негаки, адолат тамойиллари ҳақида сўзлов, уни широк қилган инсонлар эса ўз аҳдиға содиқ бўлиб, Ватан равнақини йўлида хизмат қилаверадилар.

Зариф БУРҲОНОВ,  
Китоб туман партия Кенгашининг биринчи котиби

Ақлимни танибманки ҳақиқат, адолат мезонини ҳис этаман. Болалигимдан оиламизда ота-онанинг биз фарзандларига ва атрофдагиларга бўлган адолатли муносабатидан фахрланиб, шундай яшашни ўзимга широк қилиб олган эдим. Уртоқларим орасида ҳам биринчи ўринда адолат тарозисини ўртага қўяр эдим. Мазкур аълолимдан ёш қалбимда қонқиш ҳисси уйғонар эди...

Институтда ўқиб юрган вақтимда партияимизнинг Дастури, йўналиши, шунингдек, номи ўзига жалб қилган. Унгача бошқа партияларнинг ҳам моҳияти, вазифа ва мақсадлари билан танишиб чиққан эдим. Шунинг учун мен танлаган партия “Адолат” партияси бўлди.

Партиянинг ўз Низоми ва Дастурида белгиланган, ўз фаолиятини қўйи табақа, эҳтиёжманд аҳоли табақасига таяниб олиб боради. Зеро, эҳтиёжманд аҳоли манфаатлари — бу менинг ҳаёт тарзим. Қолаверса, мақсад-муддаоимга ҳам тўғри келади. Буюк бобомиз Амир Темур айтгандек “Куч-адолатдир!”. Бу — ҳақиқат.

Юрагидан олов ўчмаган, ёниб яшашга биринчи бўлиб адолат, ҳаққўйлик ҳисси кучли. Демак, мен катта куч қаторидаман.

Шухрат ҚУДРАТОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийосий Кенгашининг Ёшлар Кенгаши раиси ўринбосари

Биринчидан, партиянинг Дастури ва Низоми билан танишиб чиққанамда менинг қарашларимга мос тарзда унинг шiori, инсонпарварлик, бирдамлик, поклик, ҳалоллик, фаровонлик тамойилларига таяниши маъқул бўлди. Қолаверса, миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафқурасини адолатнинг устувор сиёсати тўла асраб авайлай олади ва химоя қилишга қодир. Чунки адолат чирогини ҳеч бир куч ўчиришмайди.

Асрий қадриятларимизни, бугунги сиёсатимизни “Адолат” партияси аъзоси сифатида кишилар онига сингдиришнинг гашти бўлакча. Зотан бугунги талабанинг эртага етук деб, қомил инсон бўлиб вояга етиши бизга боғлиқ.

Партия Дастурида эътироф этилган, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, пировардида, Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқишда озгина бўлсада ўз ҳиссани қўша олсам аввало инсонийлик бурчимни адо этган бўлардим. Ватан — барчамизники, мустақиллик — миллиятнинг ушлаган орзулари. Уни асраб-авайлаш учун ҳар бир фуқаро фидойи бўлиши шарт.

Дилбар ОДИЛОВА,  
“Адолат” СДП аъзоси,  
фалсафа фанлари номзоди

Бухоро шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби филология доктори

— Дунё тургунча туринг, ўғлим. Умрингиздан барака топинг. Ҳамма вақт элининг фарзанди бўлиб юринг, — дея дуо қиларкан, Саодат аянинг кўзлари ёшланди.  
Музаффар ака ифтор вақти яқинлашган бўлса ҳам уйига шошилмасди. Шаҳарнинг Пири дастур маҳалласи ҳудудда яшовчи ақка-ёлғиз отахоннинг ҳолидан ҳам хабар олиши керак. Йўл-йўлак эртага қилиши лозим бўлган ишлари партия фаолияти, сийловолди тадбирларини ҳаёлан режалаштирди. Бухорода Музаффар Рўзиевни танийдиганлар, унинг кўнглига яқин дўстлари кўришганда “Адолат қалқони”, деб таъриф беришарди.

## ЮРТ ТАШВИШИДА

Музаффар ўрта мактабни, кейин эса техникум ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатди.  
Иш фаолиятини 1980 йилда Қизилтепа туманидаги Куйимазор совхозига оддий хайдовчиликдан бошлади. Музаффардаги қунончилик, ишга бўлган масъулият раҳбариятни бефарқ қолдирмади.  
Қисқа муддатга эл назари-га тушган Музаффар Рўзиевни мустақиллик қайта кашф этди.



— Ҳаётда инсоннинг шаклланишида, унинг характеридаги қўрилишлар, аввало, у тарбия топган, вояга етган муҳит — оиланинг ўрни бекиёс. Отам раҳматли: “Ўғлим, меҳр-оқибатли бўл! Ҳаққа ҳам ҳақиқат ёқадди, халққа ҳам”, деган ўғитлари шioriимга айланган, — дейди Музаффар ака падаири бузқуворини эслаб. — Ёғдудон тумани “Гулистон” ширкат хўжалигини 30 йилдан кўпроқ вақт бошқарган раҳматли Самандар ота Ҳамидовдан инсонийлик фазилатларини ўрганганман. Отахоннинг таъбири билан айтганда, “Инсон аниқ мақсад сари интилса, умр доволарида мард бўлса, адолат маёқ бўлса саодат манзилига шубҳасиз етади”.

Ҳаёт мактабидан олган сабоқларини тўлиб-тошиб гапирётган Музаффар акани кузатаман. Фидойи, элим деб, юртим деб, юзаси эмас чинакамга ёниб яшаётганлар борлигидан кўнглимда фахр тўяман...

Музаффар Рўзиев “Адолат” СДПнинг Бухоро шаҳар Кенгаши биринчи котиби. Эрта тондан кечгача юрт ташвишида. Ҳали меҳр-муруватга муҳтож кишилар хонадонига, ҳали кўрлар жамиятига моддий ёрдам, маънавий мадад беришга шошилади.

— Музаффар акамдаги ватанпарварлик, одамхўнлик, билимга ташналикни ўғилларимиз Жаҳонгир ҳамда Зафарбекда, ҳатто қатъият ва чўнг иродаликни қизимиз Дилнозада кўриб қувониб кетаман, — дейди у кишининг турмуш ўртоғи Дилшоҳдон. — Бугунги кунда Жаҳонгир Америкада таҳсил олапти. Японияга таълим тизимига оид таърибга орттиришга кетаётганимда, “Ватан менга нима берди деб эмас, мен ватанга нима берайман, деган фикрни унутмай!” дея кузатиб қўйганларини эсласам, шундай фидойи инсон билан ҳаёт йўлимни боғлаганимга шукрона айтаман.

— Сайлов муҳим сиёсий жараён, — дейди шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Музаффар Рўзиев сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида сўраганимизда. — Аҳоли ҳоҳиш-истакларини ифода қилишга ҳақиқий халқ вакилини сайлаш, ҳокимиятни ишончли қўлларга топшириш дегани, ахир. Яна шунинг таъкидлаш жоизки, сайловлар ижтимоий фикрни шакллантиради. Халқ кимга эргашади? Албатта, уни қўллаб-қувватлаган, инсон манфаатларини устувор билган партияни ёқлайди. Ҳолбуки, сиёсий партияларнинг мақсадлари муштарак. Гап интеллектуал, чин маънода халққа қайишадиган сиёсатдонларни танлай билишда. Соғлом рақобат, сиёсий маданият тамойили асос бўлган сайловларда “Адолат”нинг қўли баланд келишини истардим.

Моҳира ШАКАРОВА,  
“Адолат” муҳбири

Сўз — ҚУРУЛТОЙ делегатларига

римиз билан, энг аввало, ўз ғояларимиз билан халқ орасига чуқурроқ қиришга ҳаракат қилмайсиз. Партияимизнинг оёри-баси ва нуфусини ошириш учун биринчи навбатда фаоллар билан атрофдаги иш олиб бордик. Ҳар бир жамоада маънавий муҳитни соғломлаштиришга эътиборни қаратдик. Жойларда фаолларимиз кўмагига республи-

Биз ана шундай эл-юрт қорига ярайдиган, партияимиз ғояларини кенг тарғиб этадиган, халқ орасида каттагина обрў-эътиборга эга бўлган юртдошларимиздан 10 нафарини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 59 нафарини эса халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодини кўрсатайлик. Албатта, вақт олий ҳакам. Мен ўйламанки,

Қабул қилинаётган ва қайта ишланаётган қонунлар, аввало, жамиятнинг барча соҳасини эркинлаштириш, иқтисодий ислохотларнинг фаоллаштириш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва ижтимоий ҳимоясини ошириш, тинчликни сақлаш ва мустақамлашнинг таъминлашга хизмат қилиши лозим. Биз ҳудуд шў мақсадларни вазифаларимизнинг асоси қилиб белгилаб олдик.

Юртбошимиз таъкидлаганиларидек, юртимизда кечмаган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий савиясини, ижтимоий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли катта. Партияларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифалари “Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар турғисида”ги қонунда аниқ-равшан белгилаб берилган. Айна пайтда вилоятимизда ҳам бешта партия фаолият қоритмоқда. Уларнинг қай даражада иш олиб бораётганини, халқ билан жўлдошлиги шў йилнинг 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда янада яққолроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қашқадарь вилоят Кенгаши 1996 йил сентябрь ойидан фаолият олиб бормоқда. Партияимиз сафи қисқа фурсат ичда фидокор, гайратли, халқпарвар, юрт ишига садоқатли меҳнатсеварлар ҳисобига орта борди. Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқ фаровонлигини оширишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, соғломлик сақлашда жойлардаги партия ташкилотлари тегишарига ушлаган кишиларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Биз бошлангич ташкилотлар раҳбарияти, қорни партия органимиз кўрсатмаларини омиа онига етказиш, ҳаётда таъдиқ этиш, кишиларни эътишларга сафарбар қилишга интилайми.

III Қурултойимизга партияимизнинг янги тахрирдаги Сайловолди дастури лойиҳасини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш каби бир қатор муҳим масалалар қиритилган. Мен анжуман иштирокисини сифатида қўрилаган барча масалаларни долзарб деб ҳисоблайман. Биринча партияимизнинг Сайловолди дастури лойиҳасининг олдидан бўлса, унда жамият ҳаётининг барча қирралари қамраб олинган. Масалан, партияимиз барча мулк шакллари ҳимоясини таъминлаш, қасб-хўнар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларини стипендия билан таъминлаш каби бир қатор ижобий мақсадларни сайловолди дастурида ўз олдига қўйган. Биз халқнинг сиёсий савиясини ошириш учун партиянинг сайловолди дастурини кенг тарғиб қилаёмиз. Кишилар фаолиятини оширишда жонқур партияимиз аъзоларининг хизмати катта бўлапти.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Кенгашининг биринчи котиби

## САФЛАРИМИЗ ЖИПСЛИГИ УЧУН

Юртбошимиз таъкидлаганиларидек, юртимизда кечмаган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий савиясини, ижтимоий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли катта. Партияларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифалари “Ўзбекистон Республикасида сиёсий партиялар турғисида”ги қонунда аниқ-равшан белгилаб берилган. Айна пайтда вилоятимизда ҳам бешта партия фаолият қоритмоқда. Уларнинг қай даражада иш олиб бораётганини, халқ билан жўлдошлиги шў йилнинг 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда янада яққолроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қашқадарь вилоят Кенгаши 1996 йил сентябрь ойидан фаолият олиб бормоқда. Партияимиз сафи қисқа фурсат ичда фидокор, гайратли, халқпарвар, юрт ишига садоқатли меҳнатсеварлар ҳисобига орта борди. Юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқ фаровонлигини оширишда, фан ва маданиятни ривожлантиришда, соғломлик сақлашда жойлардаги партия ташкилотлари тегишарига ушлаган кишиларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Биз бошлангич ташкилотлар раҳбарияти, қорни партия органимиз кўрсатмаларини омиа онига етказиш, ҳаётда таъдиқ этиш, кишиларни эътишларга сафарбар қилишга интилайми.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Кенгашининг биринчи котиби



Муассис:  
Ўзбекистон  
“Адолат”  
СДП Сийосий  
Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОВЕВ,  
Равшан ХАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Каримжон РИХСИЕВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ,  
Тургун ЭРҒАШЕВ, Уткир ЖЎРАЕВ, Мухаммад РАҲМОНОВ, Зоҳир ТУРАКУЛОВ.

телефонлар:

Қабулхона-136-53-14.

Факс: (8.371) 133-41-89.

Сийосат ва партия ҳаёти-136-55-96.

Хатлар бўлими — 136-55-64.

Матбуот, адибёт ва сийосат-136-55-64.

МАНЗИЛИМИЗ:

700047, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон

Матбуот ва ахборот

агентлигидан 016

рақами билан рўйхат-

дан ўтган.

Буюртма Ғ — 1100,

Адади 1744

Ҳажми — 2 табоқ.

Офсет усулида

босилган.

Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.

Наашбатчи — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ

Газета IBM компьютеридега терилди.

Босишга тошириш вақти — 20.00

Босишга тошириш вақти — 19.00

1 2 3 4 5 6

• Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва аълолдан ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • “Адолат”дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

• Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Кўлғамалар эгаларига қайтарилимайди ва жавоб берилмайди.